

Қуръонни ўқишдан нима фойда?

10:25 / 27.03.2017 3562

Бир киши тоғ этагида набираси билан деҳқончилик қиларди. У ҳар куни уйқудан эрта туриб, дастурхон атрофида Қуръон ўқирди. Набираси ҳам бобосига ўхшашга доим ҳаракат қилиб, барча ишда унга тақлид қиларди. Бир куни у: “Бобожон, мен доим сизга ўхшашга ҳаракат қиламан. Сиз каби Қуръон ўқишга уринаман. Аммо Қуръон ўқиётганимда ҳеч нарсани тушунмайман. Мабодо, бирор нарсани тушунсам ҳам Мусҳафни ёпишим биланоқ ҳаммаси эсимдан чиқади. Шундай экан, Қуръон ўқишдан нима фойда?” деди. Печга кўмир солаётган бобоси қўлидаги ишини ташлаб, аста набирасига ўгирилди ва: “Мана бу кўмир соладиган саватни олгинда анҳорга бориб, тўлдириб сув олиб кел” деб буюрди. Бола бобоси айтганидек қилиб, саватни сувга тўлдирди. Лекин қайтгунича саватдаги сувдан бир томчи ҳам қолмай ҳаммаси оқиб кетди. Буни кўрган бобоси кулиб: “Кейинги сафар сувни олиб келаётганингда тезроқ ҳаракат қил” деди. Болакай бу сафар саватга сув олгач, бобосининг олдига югуриб келди. Аммо саватдаги сув барибир оқиб кетди. Унинг жаҳли чиқиб, бобосига: “Саватда сув олиб келиш мутлақо имконсиз иш. Мен ҳозир сизга челақда сув олиб келаман” деди. Бобоси: “Йўқ, мен сендан челақда сув сўрамадим. Балки, саватда сув келтиришингни буюрдим. Менимча сен етарлича ҳаракат қилмаяпсан” дея эътироз билдирди. Кейин ўзи ташқарига чиқиб, саватда сув келтириш қандай бўлишини набирасига кўрсатмоқчи бўлди. Набира бўлса бу ишни қилишнинг сира имкони йўқлигига ич-ичидан ишонарди. У югуриб бориб, сувни саватга тўлдирдида, кейин бобосининг олдига олиб келиб берди. Бу гал ҳам сувнинг оқиб кетганини бобосига писанда қилиб, ҳансираганча шундай деди: “Кўрдингизми, барибир фойдаси йўқ. Саватда сув олиб келишнинг мутлақо имкони йўқ, дедим-ку!” Бобоси: “Сен бу ишнинг ҳеч бир фойдаси йўқ деб ўйлайсанми? Кел, мана бу саватнинг ичига қара”, деди. Болакай саватга тикилиб қаради. Назарида сават алмаштириб қўйилгандек. Чунки, кўмирнинг таъсирида қорақуяга беланиб кетган саватнинг ичи ҳам, ташқариси ҳам топ-тоза бўлиб, худди янги саватга ўхшаб қолган эди. Болакай қўлида ушлаб тургани аввалги сават эмас, балки, бобоси янги саватга алмаштириб қўйгандек туюлди унга. Унинг ҳайрон бўлиб турганини кўрган бобо шундай деди: “Бу ҳолат сен Қуръон ўқиётганингда ҳам содир бўлади. Сен уни ўқиб ҳеч нарса тушунмаслигинг ёки

тушунганинг ҳам дарров эсингдан чиқиб кетиши мумкин. Аммо уни ўқиётганингда аста-секин ичинг ҳам, устинг ҳам яхшиланиб, покланиб, афзаллашиб бораверади”.

Эй Аллоҳ, Қуръонни қалбларимиз баҳори, кўнгилларимиз нури, ғам-андуҳларимизни кетказадиган омил қилгин. Нафсларимизни Қуръон тиловати билан ювиб, поклайлик. Шоядки, шунда Аллоҳ таоло бизларга раҳмат назари билан қараб, ҳамма мушкулларимиздан қутқарса, барчамизга енгиллик берса!

Нозимжон Ҳошимжон